



ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА РЕСПИРАТОР ДИСТРЕСС СИНДРОМИДА ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ЎРГАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Зебо Ибодиллоевна Рўзиева

врачлар малакасини ошириш
кафедраси ассистенти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7607359>

Ўпканинг бирламчи ателектази “респиратор дистресс синдром”ига кириб, алоҳида нозологик бирлик кўринишида учрайди. Альвеолалар оралиғи тўқимаси бир-бири билан қўшилиб кетган зич ҳолдаги тўқима ва ҳужайрали тутамлардан иборатлиги, қон томирлари кенг ва тўлақонли, атрофига қон қуйилишлар пайдо қилган тузилишга эгалиги кузатилади. Бирламчи ателектаз чақалоқлар ўлимидан 2-3 кун олдин ривожланган бўлса, ўпка тўқимасида яллиғланиш ривожланганлиги кузатилади, яъни альвеолалар бўшлиғида макрофаглар, нейтрофиллар, кўчиб тушган альвеолоцитлар аниқланади. 7-10 кун ўтгандан кейин альтератив-пролифератив жараёнлар авж олиб ателектатик пневмонияга айланганлиги аниқланади. Унинг оқибатида пневмосклероз, бронхоэктазлар ва бронхларнинг ретенцион кистага айланиши кузатилади. Кўпинча ателектаз ўрнида бириктирувчи тўқима ўсиб, склерозланиш ривожланади.

Чақалоқлар касалликлари ичида респиратор бузилиш хасталиклари 8,8% ни ташкил қилиб, 2-ўринда туради ва аксарият ҳолларда нафас тизими аъзоларининг морфофункционал хусусиятларига боғлиқ ҳолда чала туғилган чақалоқларда кўпроқ учрайди. Жумладан, чақалоқлар респиратор дистресс-синдроми умумий ҳолда 6-12%на ташкил қиласа, чала туғилганларда – 1-1,8%, вазни жуда кам чақалоқларда 0,4-0,5%ни ташкил қилади [2, 4]. Ушбу касаллик ривожланишининг асосий сабаби чақалоқлар ўпкасида ички сурфактантнинг етишмаслиги, нафас мускулларининг сустлиги ва ўзи мустақил ҳолда нафас олашмаслик ҳолати ҳисобланади. Хорижий илмий адабиётларда “респиратор дистресс-синдром” ва “ўпканинг бирламчи ателектази” атамалари синонимлар ҳисобланади ва алоҳида нозологик бирлик кўринишида ривожланади. Бу чақалоқлар ўпкаси касалликларининг клиник дифференциал диагностикаси жуда қийин ҳисобланади. Патологоанатомик текширувларда чақалоқлар ўлимининг бевосита сабаби орасида респиратор бузилишлардан бирламчи ателектаз асосий ўрин эгаллайди.





Янги туғилган чақалоқлар ўпкасининг бирламчи ателектази, бу – туғилгандан кейинги 2 кун давомида бронхо-альвеоляр тўқиманинг ўзига хос тузилишига ва марказий бошқарилишига боғлиқ ҳолда ўпка альвеолаларининг очилмай қолиши ёки қайтадан ёпилиб қолиши ҳисобланади. Ателектазнинг сўзма-сўз таржимаси “тўлиқ очилмаслик” бўлиб, ўпканинг анатомик ёйилмаслик ҳолатини билдиради. Чақалоқлар ўпка ателектази “нафас бузилиши синдромига (НБС)” киради. Унинг умумий ҳолдаги учраш даражаси, барча чақалоқларнинг 1% ташкил қилади, чала туғилганларда эса 14%да учрайди [2,4, 5, 6,7]. Педиатрия учун ателектаз муаммосининг долзарблиги, чақалоқлар бир ойлик даврида ўпка альвеоляр тўқимаси пучайиб қолиши сабабларининг кўплигидадир. Ателектаз нафас бузилиши синдромининг бир кўриниши бўлиб, неонатал даврда нафас етишмаслигининг асосий сабаби ҳисобланади. Унинг учраш даражаси гестация даври ва тана вазни қанчалик кичик бўлса, шунчалик юқори. Гестациянинг 30-хафтасида туғилган чақалоқларнинг ўртача 65%да, агар стероид гормонлар билан профилактика қилинса 35%да, гестациянинг 34-хафтасида туғилганларда 25%, профилактика қилинганда 10%да учрайди [2, 6,7]. Сурфактант етишмаслигига олиб келадиган барча ҳолатлар НБСнинг хавфли омиллари ҳисобланади, жумладан: ўпканинг чала ривожланиши, ҳомила асфиксияси, морфофункционал етишмаслик, ўпка-юрак мослашувининг бузилиши, ўпка гипертензияси, моддалар алмашинуви бузилиши, жумладан: ацидоз, гипопропротеинемия, гипоферментоз, электролитлар бузилиши киради.

Ушбу тезисда ўпка бирламчи ателектазининг ўзига хос патоморфологик белгилари ўрганилган. Материал сифатида неонатал даврда ателектаздан ўлган чақалоқлар ўпкаси микроскопик жиҳатдан ўрганилди. Микроскопик текширув натижаларида ўпка тўқимаси бир қарашда чала ривожланган кўринишга эгаллиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Israilov, R. I., Ruzieva, Z. I., & Nuriddinova, F. M. (2022). Pathomorphology of primary atelectasis of infant lungs.
2. Ruzieva, Z. I. (2022). PATHOMORPHOLOGY OF PRIMARY ATELECTASIS OF THE LUNGS OF INFANTS. 湖南大学学报 (自然科学版), 49(02).
3. Ruzieva, Z. I. (2022). Risk factors for primary atelectasis in newborns.
4. Ruzieva, Z. I. (2022). Histopathology in Primary Atelectasis in Infants and Risk Factors.





5. Исраилов, Р., Рузиева, З. И., & Мирзабекова, О. А. (2020). EMBRIOGENESIS, ONTOGENESIS AND HISTOPOGRAPHY OF MEMBERS OF THE RESPIRATORY SYSTEM. Новый день в медицине, (2), 118-122.
6. Нарметова, Ю. (2017). Психология ва медицинада психосоматик ёндашувлар. ЎзМУ хабарлари.
7. Нарметова, Ю. (2014). Бемор аёлларда депрессия ҳолатининг психопрофилактикаси. Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар.
8. Нарметова, Ю. (2014). Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар психологик хусусиятларининг ўзига хослиги.
9. Ахмедова, М., & Нарметова, Ю. (2022). Neuropedagogika va neyropsixologiya rivojlanib kelayotgan yangi fan sohasi sifatida. Общество и инновации, 3(2/S), 103-109.
10. Нарметова, Ю. (2020). Актуальные проблемы организации психологической службы у больных с психосоматическими заболеваниями.
11. Karimovna, N. Y. (2022). AUTISM AND THE IMPORTANCE OF COMMUNICATION WITH PATIENTS OF THIS DISEASE. Gospodarka i Innowacje, 23, 8-10.

